

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 3 август, № 158 (8501) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИ САНОАТ ЛОЙИҲАЛАРИГА КАТТА МАНЗИЛ БЎЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни Тошкент вилоятига ташриф буюриб, йирик саноат мажмуалари ва спорт объектлари билан танишди, янги корхоналарни ишга тушириш маросимида иштирок этди.**



Ташриф “Ангрен” эркин иқтисодий зонасидаги корхоналар фаолияти билан танишишдан бошланди.

2012 йилда ташкил этилган мазкур иқтисодий зона сўнгги йилларда ҳам ҳудуд, ҳам салоҳият жиҳатидан кенгайди. У Ангрен шаҳри, Оҳангарон шаҳри ва тумани, Бекобод шаҳрининг бир қисмини қамраб олган. Бугун ушбу зонада 76 та корхона, уларда 11 мингдан зиёд аҳоли ишламоқда.

Улардан бири — “Premier elektrotech” масъулияти чекланган жамиятининг 23 миллион долларлик лойиҳаси. Ўтган йили декабрда ишга тушган бу корхона йилига 100 минг дона кир ювиш машинаси ва 200 минг дона совиткич ишлаб чиқариш ҳамда 1 миллион долларлик экспорт қувватига эга. 350 киши иш билан таъминланган.

Бу лойиҳанинг биринчи босқичи бўлиб, уни кенгайтириш учун қурилиш олиб борилмоқда. Иккинчи босқич шу йил декабрда фойдаланишга топширилади ва иш ўринлари 450 тага етади.

Жамият томонидан, шунингдек, телевизор, кондиционер каби бошқа маиший техникалар ҳам ишлаб чиқарилади. Рақобатбардош бу маҳсулотлар МДҲ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Оҳангаронда тайёр саноат инфратузилмаси борлиги, бу хорижий инвестициялар жалб этиш учун катта имконият эканини таъкидлади. Шу каби корхоналарни кенгайтириш мақсадида электротехника саноати зонасини ташкил этиш таклифи билдирилди.

Оҳангарон металл қувурлар заводининг жойи беш йил олдин унумсиз дала эди. 2018 йилдан бошлаб саноат мажмуаси барпо этилди. 49 миллион долларлик бу лойиҳа учун ускуналар Туркиядан олиб келинди. Йиллик 205 минг тонна металл маҳсулотлар тайёрлаш қуввати яратилиб, 250 та иш ўрни барпо этилган. Жорий йилнинг 6 ойида қарийб 4 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

“Silk plast quality” корхонасида йилига 13 минг тонна полимер қувурлар ва фитинг маҳсулотлари тайёрланади. 78 кишининг бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари шу ерда “Ангрен” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмасини кўздан кечирди. Янги лойиҳаларни шакллантириш, аҳоли бандлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

“Ангрен” эркин иқтисодий зонасида яна 42 та лойиҳа бўйича ишлар бошланган. Уларда 5 мингдан зиёд иш ўринлари очилади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Юқори Чирчиқ туманида барпо этилаётган Футбол бўйича миллий терма жамоалар марказини бориб кўрди.

Бу марказ Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда. Ҳозирда 8 минг ўринли стадион қурилган. Яна 7 та машғулот майдони, пляж футболи майдони, футзал манежи, бассейн, реабилитация мажмуаси ва ётоқхоналар қурилиши режалаштирилган.

Соҳа мутасаддилари билан суҳбатда миллий футболимизга хориждан малакали техник директор олиб келиш, футбол тузилмасини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Қорақалпоғистон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган ва Тошкентда минтақавий базалар ташкил қилиш, мураббийлар мактабини такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Президент ёшлар орасида футболни янада оммалаштириш, уларга шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

— Ўзбекистонда футбол энг севимли спорт тури. Ҳар ўнта одамдан тўққизтаси унинг мухлиси, деса бўлади. Бу оммавийликдан фойдаланиб, футболни тубдан ривожлантириш керак. Масалан, юртимизда 10 мингта мактаб бор, 208 та туман-шаҳар бор. Хўш, мактаб, маҳалла, жамоаларда футбол қандай бўлади? Иккинчидан, футболга меҳр қўйган болалар ўз йўлини топиши учун нима қилишимиз керак? Учинчидан, ёшлар футболдан кетгандан кейин нима билан шуғулланади, уларга қўшимча касб-ҳунар беришни ҳам ўйлаш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари ёш футболчилар билан ҳам суҳбатлашди.

— Халқимизнинг спортга меҳри кучли. Айниқса, футбол “оилавий дўстимиз”. Миллий терма жамоамиз ўйинларини ҳаммамиз ғурур, фахр, ҳаяжон билан кузатамиз. Сизлар оилада ота-онангизнинг фарзанди бўлганингиз билан майдонда халқимизнинг фарзандисизлар. Ана шуни доим ёдда тутинг, — деди Президент.

Футболчиларда Ватан туйғусини шакллантириш муҳимлиги ҳам таъкидланди.

— Футболчилар дунё кезади, чет эл жамоаларида ўйнайди. Улар Ўзбекистон тарихини, шароитларини яхши билиши керак. Улар бизнинг элчиларимиз, болаларга намуна, — дея таъкидлади давлат раҳбари.

Футбол тиббиёти ва реабилитациясини жаҳон ютуқлари асосида ривожлантириш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Чирчиқ қишлоқ машинасозлиги кластерига ташриф буюриб, у ерда ишлаб чиқарилган биринчи маҳаллий маҳсулот — универсал трактор билан ҳам танишди.

Бу кластер Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 11 ноябрдаги қарорига асосан ташкил қилинган эди. Машинасозликдаги 5 та корхона қувватлари мақбуллаштирилиб, Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи негизида тўлиқ циклли кластер тизими йўлга қўйилди. Бунинг учун қарийб 38 минг квадрат метр янги иншоотлар қурилиб, 35 минг квадрат метрдан зиёд мавжуд бинолар таъмирланди.

Кластер йилига 15 минг дона трактор, тиркама ва бошқа техникалар ишлаб чиқариш қувватига эга. Мингта иш ўрни яратилган. Яна бир муҳим томони, тармоқ корхоналари орасида кооперация кенгайиши, харажатлар ва маҳсулот таннархи қисқаришига эришилган.

Яқинда кластерда биринчи маҳаллий маҳсулот — универсал трактор ишлаб чиқарилди. Президент Шавкат Мирзиёев унинг илк намуналарини кўздан кечирди.

Шунингдек, комбайн ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилмоқда. Бу ишларни давом эттириб, импорт маҳсулотларни маҳаллийлаштириш, бу жараёнга хусусий секторни жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

— Қишлоқ хўжалигимизда техникага талаб катта. Бизга арзон, муқобил, тежамкор техника керак. Бунинг учун маҳаллийлаштириш ва таннарх бўйича ишлаш зарур. Деҳқонларга арзон техника етказиб бермасак, манфаатдорлик бўлмайди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари техникаларга хизмат кўрсатишнинг аҳамиятига алоҳида тўхталди.

— Бу кластер фақат сотувчи эмас, хизмат кўрсатувчи ҳам бўлиши керак, — дея таъкидланди.

Тошкент вилояти мисолида сервис масканлари ташкил этиш, ёшларни бепул ўқитиб, сифатли хизматларни йўлга қўйиш бўйича топшириқ берилди.

Кластерда илм-фан ва ишлаб чиқаришни уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, шу мақсадда замонавий илм маркази ишга туширилди. Бу ерда Германия ва Швеция компанияларининг таълим марказлари билан ҳамкорликда узлуксиз дуал таълим шаклидаги ўқув жараёнлари йўлга қўйилган. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари талабалари назарий билимларини кластерда амалиёт билан мустаҳкамлаб боради.

Президентимиз маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Ҳозир жойларда, кластерларда пахтани машинада териш 50 фоизга яқинлашмоқда. Бу йил 6 ойда мева-сабзавотнинг ўзидан 550 миллион доллардан кўп экспорт қилдик, яқин келажакда 2-3 миллиард долларга етказмоқчимиз. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларида яна лойиҳалар кўп. Уларда маҳсулдорликни ошириш, одамлар меҳнатини енгиллаштириш учун сифатли, хамёнбоп техникалар зарур, — деди Президент.

Кластер фаолиятида муқобил электр энергияси манбаларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 20 минг квадрат метр майдонда қуёш батареялари ўрнатилди. Бу кластернинг электр энергиясига талабини 30 фоизгача таъминлаши мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятига ташрифи чоғида “Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида бўлди.

Татаристон Республикаси билан ҳамкорликдаги мазкур технопарк ўтган йил 23 март куни очилган эди. Бугунги кунда 10 миллион долларликдан зиёд 5 та корхона ишга туширилган. Жорий йил якунига қадар қиймати 18 миллион доллар бўлган яна 8 та лойиҳа амалга оширилади.

Хусусан, “Родиум Полимер” масъулияти чекланган жамияти томонидан кўпиклантирилган полипропилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жанубий кореялик ишбилармонлар билан биргаликда амалга оширилган бу корхонада йилига 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2 миллион долларлик экспорт қилинади.

Шу ерда Тошкент вилоятидаги янги саноат, хизмат кўрсатиш ва ижтимоий соҳа мажмуаларини ишга тушириш маросими бўлди. Булар — Оҳангарон туманидаги “Ташкент Конч цемент”, Қуйи Чирчиқ туманидаги “Ташкент коттон текстиль”, Юқори Чирчиқ туманидаги “Азия Ташкент Текстиль”, “Салюбрис Вита”, Ангрен шаҳридаги “Ангрен каолин”, “Централ Азия Кемикалс”, Нурафшон шаҳридаги “Агро Нью Дрип”, Чирчиқ шаҳридаги “Шарқ Тюбс”, Паркент туманидаги “Самсарак файз” ва “Шабнам Элегант”лардир. Бу корхоналарда цемент, калава ип, тўқимачилик, фармацевтика, бойитилган каолин, кимё маҳсулотлари, томчилатиб суғориш шланглари, рангли металлар ишлаб чиқарилади. Умуман, мазкур корхоналарда 3 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Давлат раҳбари рамзий тугмани босиб, янги корхоналарни ишга туширди.

Шундан сўнг Президент раислигида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда маҳаллий бюджет даромадларини кўпайтириш чора-тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоалоқа орқали уни Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, барча вилоят ва туманлар ҳокимлари ҳам кузатиб борди.

Ўтган йилда Тошкент вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштириш ҳажми 135 фоизга ўсиб, 480 миллион долларни ташкил қилгани таъкидланди. Шунингдек, ўтган олти ойда инвестиция дастурлари доирасида 240 миллион долларлик 322 та лойиҳа ишга туширилиб, 8 мингта иш ўрни яратилган.

Лекин айрим туман ва шаҳарларда фақат кичик ва ўрта лойиҳалар билан чекланиб қолинмоқда. Мисол учун, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Қибрай, Тошкент, Янгийўл туманлари ва Нурафшон шаҳрида бирорта ҳам йирик лойиҳа йўқ.

Шу боис ҳар бир туман ва шаҳар ҳокимига йил якуни билан камида 100 миллион доллардан тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилиш вазифаси қўйилди.

Жорий йилнинг олти ойида вилоятда 440 миллион долларлик экспорт амалга оширилган. Саноат ва хизмат соҳаси кўрсаткичлари ҳам ошган. Лекин айрим туман ва шаҳарлар кесимида олганда, тушган. Бу йил қурилиши режа қилинган 114 та кўп қаватли уй-жойлардан ҳозиргача атиги 9 таси фойдаланишга топширилган.

Бу борада камчиликларга йўл қўйган бир қатор раҳбарлар лавозимидан озод қилинди.

Президент жойларда солиқ базасини кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни санаб ўтди. Ҳар бир тадбиркорнинг муаммосини ҳал қилишга алоҳида солиқчи масъул бўлиши белгиланди. Солиқ идораларини коррупциядан холи тузилмага айлантириш, ходимларининг маънавий-ахлоқий қиёфасини яхшилаш долзарблиги таъкидланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва имтиёзли ресурсларнинг етиб боришини осонлаштириш чоралари белгиланди. Унга кўра, эндиликда ҳоким ёрдамчилари ўзини ўзи банд қилганларнинг кичик ва ўрта бизнесга ўтишига кўмаклашади.

Бунинг учун Япония тажрибаси асосида ҳудудларда бизнес-инкубатор ва акселераторлар тизими жорий этилади. Бунда, салоҳиятли тадбиркорларга дастлабки айланма маблағлари учун “улушдорлик” капитали берилади.

“20 минг тадбиркор — 500 минг малакали мутахассис” дастури асосида 400 минг аҳоли бандлигини таъминлаш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Йиғилиш якунида тегишли вазирлик ва идоралар, ҳудудлар раҳбарларининг ахбороти тингланди.


**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

Ўзбекистон Республикасининг

## ҚОНУНИ

## «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил 31 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2023 йил 23 июнда маъқулланган

Кейинги йилларда бориш қийин бўлган ва олис ҳудудларда мобиль алоқа ҳамда мобиль интернет қамровини кенгайтириш, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифатини ошириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг ўз радиочастота спектридан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга беришига нисбатан мавжуд тақиқ радиочастота спектридан янада самарали фойдаланиш имкониятларини чекламоқда. Бундан ташқари ахборот хавфсизлиги таъминланишини янада кучайтириш мақсадида, шунингдек мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислоҳотларни инобатга олиб, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартишлар киритиш зарурати юзага келмоқда.

**(Давоми 2-бетда).**

---

Сенат қўмитасида

## СУДЛАРДА ИШЛАРНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

*Маълумки, суд ишларини юритиш жараёнида янги институтлар жорий этилган бўлиб, уларнинг аксарияти, жумладан, ярашув, медиация, дастлабки эшитув ҳамда суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш каби институтлар янада такомиллаштирилди.*

Шунга қарамасдан амалиётда муайян камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, узил-кесил қарор қабул қилишда суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини уч босқичли тизим воситасида текшириш имкониятлари чекланганлиги фуқароларнинг ортиқча вақти ва маблағи сарфланишига, мухтасар айтганда, кассация тартибидаги шикоятларни кўриш ваколати фақат Олий судга берилгани фуқароларнинг ортиқча сарсон-саргардон бўлишига ҳамда иш ҳажмининг кескин ошиб кетишига олиб келмоқда.

➡ 2

---

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қирқ учинчи ялпи мажлиси 2023 йил 4 август куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида жорий йилнинг 4-5 август кунлари ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

---

Мушоҳада

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК УСТУВОР

*Куни кеча Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган навбатдаги мажлисда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси масъуллигида бўлган “Хусусийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан кўриб чиқилди ва биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.*

Аввало қайд этиш керак, хусусийлаштириш иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириб, мулкдорлар кўпайишига йўл очади. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда қулай инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан сўнгги уч йилда 2 мингдан ортиқ давлат мулклари 20,0 трлн. сўм қийматида хусусийлаштирилди.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган ислоҳотлар ва амалий чора-тадбирлар натижасида давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларидаги кўрсаткичлар ижобий динамикада ўсиб бориши таъминланди. Жумладан, 2020 йилда 804 та давлат мулки 872,2 млрд. сўмга, 2021 йилда 750 таси 7,2 трлн. сўмга, 2022 йилда эса 514 таси 11,2 трлн. сўмга сотилган, яъни 2022 йилда 2020 йилдагига нисбатан 13 баробар ўсган.

Давлат иштирокидаги корхоналарда очиқлик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш борасида бажарилган ишлар натижасида охирги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд 300 га яқин хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари ҳамда 1600 дан ортиқ кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди, 650 дан ортиқ корхоналар тугатилди ва 160 таси қайта ташкил этилди.

Айни пайтда хусусийлаштиришнинг тармоқлар ҳамда ҳудудлар кесимидаги таҳлили шуни кўрсатдики, бу борадаги ишлар ҳамма жойда ҳам бир маромда кетмаяпти. Ушбу йўналишда эришилган ютуқ ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимига оид ташаббуслар шу йил 24 март куни Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида танқидий-таҳлилий муҳокама қилинган эди.

➡ 2

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

# «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур Қонун билан «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига радиочастота спектридан фойдаланувчиларга ўзларига бириктирилган радиочастота спектридан бошқа фойдаланувчилар билан биргаликда фойдаланиш ҳуқуқи берилишини ва ундан фойдаланиш тартиби белгиланишини, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари тартибга солинишини назарда тутувчи ўзгартишлар киритилмоқда. Бундан ташқари маъмурий ислоҳотлар натижасида қайта ташкил этилган давлат бошқаруви органларининг номлари аниқлаштирилмоқда.

Ушбу Қонун радиочастота спектридан янада самарали фойдаланилишига, телекоммуникация тармоқларининг ривожланишига, шунингдек аҳолининг янада сифатли телекоммуникация хизматлари билан таъминланишига хизмат қилади.

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Радиочастота спектри тўғрисида»**ги 725–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 16-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда; 2017 йил, № 4, 137-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг ўн иккинчи хатбошисидаги «радиочастота бериш»** деган сўзлар **«бириктирилган радиочастота»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиочастота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш сертификатлаштириш, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш, солиқ солиш, ягона илмий-техника сиёсатини шакллантириш орқали, шунингдек қонунчиликда назарда тутилган бошқа воситалар билан амалга оширилади»;

3) **7-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **8-модда биринчи қисмининг**:

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«радиочастота спектри бўйича давлат бошқаруви органи томонидан ажратилган радиочастоталар полосалари доирасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиш (бериш) ва (ёки) ўрнатиш (қуриш), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш учун рухсатномалар беради»;

**бешинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«радиочастота спектридан фойдаланувчиларга бириктирилган радиочастоталарнинг ҳисобини юритади, шунингдек радиочастота спектридан радиочастота спектри бўйича давлат бошқаруви органи томонидан белгиланган тартибга мувофиқ фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади»;

5) **9-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиочастота спектри радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан давлат, жамоат эҳтиёжларини ва шахсий эҳтиёжларни таъминлаш учун фойдаланилади.

Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни олиш (бериш) ва (ёки) ўрнатиш (қуриш), Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳамда радиоэлектрон воситалардан фойдаланиш белгиланган тартибда радиочастота органи томонидан бериладиган рухсатномага асосан амалга оширилади.

Радиочастота спектридан фойдаланувчиларга муайян радиочастоталарни бириктириш Ўзбекистон Республикасининг радиочастоталарни тақсимлаш жадвалига мувофиқ амалга оширилади. Бириктирилган радиочастота ўта муҳим давлат эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ўзгартирилиши мумкин.

Радиочастота спектридан фойдаланувчиларга радиочастоталар полосаларини ажратиш фойдаланувчидан келиб тушган ариза бўйича ёки танлов асосида ёхуд ким ошди савдоси натижаларига кўра амалга оширилиши мумкин.

Радиочастота органи ва радиочастота спектридан фойдаланувчи ўртасидаги ўзаро муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади.

Радиочастоталар полосаларидан бирдан ортиқ радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан фойдаланилиши радиочастота спектридан биргаликда фойдаланишдир. Радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан радиочастота спектридан биргаликда фойдаланиш улар ўртасида радиочастота органининг тегишли рухсатномаси асосида шартнома тузиш орқали амалга оширилади. Мазкур рухсатнома радиочастота спектри бўйича давлат бошқаруви органи томонидан белгиланадиган радиочастоталар полосаларига биноан берилади»;

6) **10-моддадаги** «берилади» деган сўз «бириктирилади» деган сўз билан алмаштирилсин;

7) **13-модда иккинчи қисми ўзбекча матнининг**:

**тўртинчи хатбошисидаги** «берилган» деган сўз «бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

**бешинчи хатбошисидаги** «берилган» деган сўз «бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

8) **14-модданинг**:

**номидаги «лойиҳалаш»** деган сўз чиқариб ташлансин;

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш, шунингдек радиочастоталардан фойдаланган ҳолда илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш фақат радиочастота спектридан фойдаланувчи радиочастота органининг тегишли рухсатномасини олганидан ва ташкилотнинг яратишга доир стандартлари келишилганидан кейин амалга оширилади»;

9) **15-модданинг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) **16-модданинг биринчи** қисмидаги «фойдаланувчиларнинг» деган сўз «радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

11) **17-модда ўзбекча матнининг**:

**номидаги «Берилган»** деган сўз **«Бириктирилган»** деган сўз билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «Берилган» деган сўз «Бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «Берилган» деган сўз «Бириктирилган» деган сўз билан алмаштирилсин;

12) **18-модданинг**:

**номидаги «фойдаланувчиларнинг»** деган сўз **«радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**матнидаги** «фойдаланувчиларнинг» деган сўз «радиочастота спектридан фойдаланувчиларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

13) **$18^1$-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Радиочастота спектридан фойдаланиш чоғида радиочастота спектридан фойдаланувчилар томонидан ахборот хавфсизлиги чоралари, шу жумладан:

узатиладиган ахборотдан рухсатсиз фойдаланиш, алоқа тизимларидан назоратсиз фойдаланиш ва уларнинг ишлашини тўхтатиб қўйиш, шунингдек улардан шахс, жамият ва давлатга зарар етказадиган мақсадларда фойдаланиш истисно этилишини;

ахборотни (маълумотларни) узатиш жараёнида унинг (уларнинг) конфиденциаллигини, яхлитлигини ва ундан (улардан) фойдаланиш имкониятини;

рухсатсиз ёки беихтиёр аралашишга уринишлар бўлган тақдирда алоқа тизимининг ишлаш режими ўзгармаслигини таъминловчи чоралар кўрилиши керак»;

14) **$18^2$-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«$18^2$-модда. Радиоалоқанинг конфиденциаллиги**

Бошқа шахс учун мўлжалланган радиохабар қабул қилинган тақдирда уни қайд қилиш, унинг мазмунини ва мавжудлиги фактини ошкор этиш, тарқатиш ёки ўзгартириш тақиқланади, бундан қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Конфиденциал ахборотни ва (ёки) давлат сирлари мавжуд бўлган маълумотларни Ўзбекистон Республикасида сертификатлаштирилган ахборотни криптографик ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланмаган ҳолда радиоалоқа каналлари орқали узатиш тақиқланади.

Радиочастота органлари томонидан амалга ошириладиган радиочастота спектри мониторинги радиоалоқанинг конфиденциаллигини бузиш ҳисобланмайди»;

15) **19-модданинг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 2 август
№ ЎРҚ—858

# СУДЛАРДА ИШЛАРНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА КЎРИШ ИНСТИТУТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

1

Мазкур масалалар ва унинг ҳуқуқий асосини тартибга солиш борасидаги жараёнлар кеча бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси мажлисида қизғин муҳокама қилинди.

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этди.

Мажлисда "Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун, амалиётга киритиладиган янги талаблар ва имкониятлар дастлабки тарзда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу қонун юқорида айтиб ўтилган муаммоларни бартараф этиш, энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қонуний кучга кирган суд қарорларини кассация тартибида кўриб чиқиш ваколати вилоят ва унга тенглаштирилган судларга ўтказилмоқда.

Шунингдек, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган суд қарорларини тафтиш тартибида кўриш институти жорий этилмоқда ва апелляция шикоятини бериш муддати 2 баробарга (яъни 20 кундан 10 кунга) қисқартирилмоқда.

Қолаверса, юқори инстанция судлари томонидан қуйи судлар қарорини бекор қилган ҳолда ишни янгидан кўриш учун қуйи судга юбориш амалиёти тугатилмоқда.

Таъкидланганидек, мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши судьяларнинг масъулиятини ошириб, ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўрилишига, суд қарорларини қайта кўришда вилоят судларининг ҳамда уларга тенглаштирилган судларнинг имкониятларидан самарали фойдаланишга, фуқароларга шикоят қилишда қулайликни кенгайтириш ва норозиликлар ҳамда ортиқча сарсонгарчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ХУСУСИЙЛАШТИРИШДА ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК УСТУВОР

1

Давлат мулкини хусусийлаштириш ишларининг ижроси ва бу борадаги режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш натижасига кўра, Президентимизнинг "Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан хусусийлаштириш дастури тасдиқланди.

Соҳада эришилаётган ютуқлар, муаммолар билан бир қаторда мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантириш, давлат мулкини хусусийлаштиришга қаратилган асосий қонун — 1991 йилда қабул қилинган "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунни давр талаблари асосида такомиллаштириш вақти келганди.

Боиси амалдаги қонунда давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнларини очиқ ва ошкоралик, қонунийлик принциплари асосида уддалаш, харидорларнинг оммавий савдоларда иштирок этиши учун тенг шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топмаган. Бундан ташқари, қонунда хусусийлаштиришнинг фақатгина 2 та (кимошди, танлов) услублари назарда тутилгани, давлат активларини электрон-онлайн аукцион савдоларда сотиш ҳақидаги нормалар мавжуд эмаслиги ҳамда хусусийлаштириш соҳасида давлат органлари ваколатларининг чегаралари аниқ белгиланмагани қонуннинг ислоҳотлар талабларига жавоб бермаслигини кўрсатди.

Тан олиш керак, бугунги кунда давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларини тўлиқ қамраб оладиган ягона қонун ҳужжати мавжуд эмас. Бу соҳадаги жараёнларни тартибга солиш билан боғлиқ қонуности ҳужжатларининг кўплиги, улар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнларига салоҳиятли, жумладан, хорижий инвесторларни жалб этишда қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

"Хусусийлаштириш тўғрисида"-ги қонун лойиҳаси билан хусусийлаштиришнинг барча босқичи, принциплари батафсил, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонун даражасида мустаҳкамланмоқда. Амалдаги қонунда белгиланмаган электрон-онлайн аукцион ва биржа, шунингдек, музокараларга оммавий таклиф қилиш, рақобатга асосланган мулоқот асосида сотиш, корхонани ва кўчмас мулк объектини бошқа жамиятнинг устав фондига киритиш ва корхоналарни кейинчалик сотиш шарти билан ижарага бериш каби хусусийлаштиришнинг янги 8 та услуби киритилмоқда. Соҳада Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг ваколатлари аниқ белгиланяпти. Асосийси, янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилиниши муносабати билан хусусийлаштирилган мулкнинг дахлсизлигини кафолатлаш белгиланмоқда.

Қисқача айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат активларини замонавий услублар асосида сотиш орқали давлат мулкининг хусусийлаштирилиши жадаллашишига, жараёнларнинг очиқ ва ошкоралиги таъминланишига, барча харидорлар учун тенг шароитлар яратилишига, ваколатли давлат органларининг хусусийлаштириш соҳасидаги ваколатлари қонун доирасида аниқ белгиланишига хизмат қилади.

**Жамшид ҚОСИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Қисқа сатрларда



## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҚЎМИТАЛАРИДА

*Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчи ва ходимларидан иборат қўмитанинг экспертлари ҳамда мутахассислар иштирокида мажлис ўтказилди.*

Кенгайтирилган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибидаги махсус органлар ва ҳарбий тузилмалар ҳарбий хизматчиларининг фаолиятини ташкил этишда **асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланган Қуролли Кучларнинг умумҳарбий низомлари** муҳокама этилди.

* * *

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан **"Туркий инвестиция жамғармасини таъсис этиш тўғрисидаги битимни (Анқара, 2023 йил 16 март) ратификация қилиш ҳақида"ги** қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

* * *

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан **"Республикада тоғ-кон саноати ва геология соҳасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда ривожланиш истиқболлари"** мавзуида давра суҳбати ўтказилиши режалаштирилмоқда.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.**

# ЎЗБЕКИСТОН ЧЕКСИЗ ТУРИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИГА ЭГА

*Ўзбекистон ўзининг кўплаб тарихий-меъморий ёдгорликлари, мўътадил иқлими ва шиддатли тараққиёти билан бугун дунё эътиборида, десак, тўғри бўлади. Жумладан, туризм соҳаси ҳам жадал ривожланаётир.*

**Фикр**

Сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиётининг стратегик тармоғи сифатида туризмни жадал ривожлантириш учун қулай иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, ҳудудларнинг табиий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш, Ўзбекистон заминини дунё цивилизациясининг муҳим марказларидан бири сифатида намоён қилиш, ушбу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча имкониятлар яратиш устувор вазифага айланган.

Туризм соҳасини ҳар томонлама тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикасининг "Туризм тўғрисида"ги Қонуни имзоланди, Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, амалга татбиқ этилди. Ушбу ҳужжатлар орқали республикамиз ҳар бир ҳудудининг мавжуд туристик имкониятларидан самарали фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда.

Айни чоғда уларнинг ижроси доирасида мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлиги ошди, хорижий ва маҳаллий туристлар учун қулай шароитлар яратилди, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантириш, меҳмонхона ва транспорт ҳамда туристик хизматларни кенгайтириш ва сифатини ошириш чоралари кўрилмоқда.

Бунинг учун туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференциялар берилди. Алоҳида олий таълим муассасаси ташкил этилгани эса ушбу соҳани замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар билан таъминлаш имкониятини кенгайтирди.

Мамлакатимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган мавсумий дам олиш масканлари тармоғи йил сайин кенгаймоқда. Юртимизнинг қайси гўшасини олманг, барчасида туризмнинг у ёки бу тури ривожланганининг гувоҳи бўласиз. Бугунги кунда саёҳат ва дам олишнинг барча тури: этник, спорт, маданий мерос, зиёрат, маданий, бадиий, гастрономик, тиббий туризм, ёшлар туризми, экотуризм, қишки, велоспорт ва бошқа турлари ривожлангани туристик жозибадорликни оширмоқда. Натижада Ўзбекистонга келаётган хорижий сайёҳлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Хусусан, 2020 йилда 1,5 млн. сайёҳ келган бўлса, 2022 йилда уларнинг сони 5,2 млн. нафарни ташкил этган.

Маълумотларга кўра, жорий йилда Ўзбекистонга 7 млн. хорижлик турист ташриф буюриши кутилаётгани ҳам туризм учун кенг имкониятлар яратилганидан далолатдир.

Ушбу соҳанинг ривожланиши иқтисодий барқарорликни таъминлаш, аҳоли бандлигига эришиш ва уларнинг даромад манбаини кенгайтириш баробарида Ўзбекистоннинг халқаро майдонда имижини ҳам янада яхшилашга имкон беради. Ички туризмнинг оммалашиши эса фуқароларимизнинг фаол дам олишини, кўп миллатли халқимизнинг бирдамлигини таъминлаш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг юртимизнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросини ўрганиш имкониятларини кенгайтиришда муҳим омил ҳисобланади.



Бугун туризм соҳасида яратилган имкониятларнинг бардавомлигини, бой табиий бойликларни, тарихий, маданий меросимизни муҳофаза қилиш, келгуси авлод ҳам улардан эмин-эркин фойдаланишини таъминлаш мақсадида янги таҳрирдаги Конституцияда фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт эканлиги ва улар давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилди.

Ушбу вазифаларнинг белгиланиши ва амалга оширилиши Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг "Маданий меросни сақлаб, туризмни умуммиллий ҳаракатга айлантириш" ғоясини рўёбга чиқариш, шунингдек, маънавий-маърифий соҳадаги устувор йўналишларда сайловолди дастурда белгилаб олинган қатор вазифаларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Шундай экан, мамлакатимиздаги 7 мингдан зиёд нодир тарихий ёдгорликлар ҳамда бетакрор архитектура намуналарини, миллий маданият, санъат ва ҳунармандчилик, жаҳонга машҳур миллий таомлар ва пазандачилик соҳасидаги анъаналаримизни асраб-авайлаш, улардан самарали фойдаланиш ҳар биримиздан масъулият ва ватанпарварликни талаб этади.

**Зумрад БЕКАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЮКСАК ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Мамлакатимизда кейинги йилларда инсон қадр-қимматини юксалтириш, халқимизнинг эркинлиги, ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш, ҳар бир шахснинг салоҳиятини юзага чиқариш тамойиллари давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бунинг самараси ўлароқ ҳаётимиз, дунёқарашимиз тубдан ўзгарди. Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг юқори натижалари ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла, ҳар бир оила, ҳар бир шахснинг туриш-турмушида яққол ўз ифодасини топмоқда.*

## Нуқтаи назар

Янги Ўзбекистонни барпо қилиш ҳамда учинчи Ренессансга пойдевор қўйишдек улуғвор саъй-ҳаракатлар силсиласида бугунги кунга келиб, шаҳар ва қишлоқларимиз таниб бўлмас даражада замонавий қиёфа касб этаётгани, иқтисодиётимиз жадал ўсаётгани, янги-янги ижтимоий иншоотлар барпо қилинаётгани, мухтасар айтганда, юртимиз янада чирой очаётгани барчамизга чексиз фахр-ифтихор, ғурур бахш этади, албатта. Энг асосийси, барча соҳада шиддат билан олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган устувор мақсад — халқни рози қилиш, аҳоли фаровонлигини ошириш экани ватандошларимизни беҳад мамнун этиб, мамлакатимизнинг келажагига дахлдорлик туйғуларини кучайтирмоқда.

Ўз навбатида, бугунги кунда ёши улуғ инсонлар, кекса авлод вакилларига, якка-ёлғиз кексаларга, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик ҳар қачонгидан ҳам юқори босқичга кўтарилди. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан ёши улуғ инсонларга ҳурмат-эҳтиром, иззат-икром кўрсатиш, нуронийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатликларини сақлаш, улар учун барча шарт-шароит, имконият ва имтиёзларни яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни эъзозлашга қаратилган амалдаги 10 дан ортиқ ҳуқуқий-норматив ҳужжатларнинг ижроси изчил таъминлаб келинмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ҳамда сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронлиги борларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек, ёши улуғ инсонларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш, уларнинг кўп йиллик хизматини муносиб тақдирлаш назарда тутилган. Ушбу Фармонга мувофиқ нуронийларни рағбатлантириш мақсадида “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонининг таъсис этилгани бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу Фармон ва ҳамда Президентимизнинг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида”ги 2017 йил 14 июлдаги қарорига кўра, узоқ йиллар давомида юрт равнақи, халқ фаровонлиги, жамият тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган ва айни пайтда пенсия ёшида ҳам жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этаётган нуронийлар “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат, спорт, ҳуқуқ ва бошқа қатор соҳаларида кўп йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган 5 мингдан ортиқ кекса авлод вакиллари — олимлар, академиклар, профессор-ўқитувчилар, тиббиёт, халқ таълими, қишлоқ хўжалиги, маданият, санъат, спорт ва бошқа қатор соҳаларда фаолият кўрсатган фахрий-нуронийлар, шунингдек, бутун ҳаётини оилалар мустаҳкамлигини сақлаш, фарзандларимизни жамият ҳаётига дахлдорлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга бағишлаб, эл-юртимизда эҳтиромга эришган мўътабар оналар “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

> *Халқимиз азалдан “Бир болага етти маҳалла — ота-она”, “Маҳалланг — отанг, маҳалланг — онанг” сингари ҳикматларга амал қилиб яшаб келган. Ҳар доим ёшларнинг одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, таълим-тарбия олиши учун маҳалладаги ёши улуғ нуронийлар ўзларини ота-она билан баробар жавобгар, масъул деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам оила ва маҳаллалардаги маърифий-тарбиявий ишларда ҳаёт синовларида тобланган кекса авлод вакилларининг ҳикматли ўгитлари, бой ҳаётий тажрибаси муҳим аҳамиятга эга.*

Доно халқимиз “Юк кўтарган — юзага чиқар” деб бежиз айтмаган. Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли нуронийларимизнинг “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланаётгани мамлакатимизда ёши улуғларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромнинг олий намунаси бўлмоқда, десак, муболаға эмас.

Узоқ йиллар эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаган ва улуғ ёшида ҳам жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини асрашда фаол иштирок этаётган нуронийлар бу эъзоз ва ардоқдан беҳад мамнун бўлиб, кучларига куч, ғайратига ғайрат қўшилаётганини шукроналик билан таъкидлашмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб номланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Юртбошимиз ўқитувчи ва мураббийларнинг мамлакатимиз тараққиёти ва нуфузини ошириш йўлидаги фаолиятига алоҳида урғу берар экан, “Таълим сифатини ошириш — Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир!” дея таъкидлаб ўтди. Шу маънода, бу йил “Меҳнат фахрийси” совриндорлари тақдирланиши жараёнида мамлакатимиз таълим тизими ривожига катта ҳисса қўшган олимлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, жонкуяр устозлар, педагогларнинг узоқ йиллик меҳнатлари алоҳида эътиборга олинди.

Шунингдек, узоқ йиллик фидокорона хизматлари билан эл-юрт равнақига ҳисса қўшиб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамонлари — Холиджон Комилов, Комил Иброгимов, давлат ва жамоат арбоби Акрам Эргашев, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимов, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчилари, халқ таълими фахрийлари, юртимиз илм-фанини юксалтиришга ўзини бағишлаган Ўзбекистон Республикаси фан арбоблари, академиклар, профессорлар, фан докторлари, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва халқ хўжалиги фидойилари, маҳалла фаоллари бўлган фахрийларимиз бу йил “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони совриндори бўлишганини алоҳида эътироф этиш зарур.

Қувонарлиси, бу йил тақдирланганлар орасида маданият ва санъат дарғалари ҳам кўп. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоблари Рустамбек Абдуллаев, Равшан Юнусов, Надим Норхўжаев, Ўзбекистон халқ артисти Бернара Қориева сингари санъатимиз намояндалари шулар жумласидан. Шунингдек, адабиётимиз ривожига камарбаста бўлаётган — Умида Абдуазимова, Нормурод Норқобилов, Ортиқбой Абдуллаев, Икром Отамуродов, Йўлдош Эшбеков, адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев, адлия тизимида узоқ йиллар хизмат қилган Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юристлар Иркин Абдуллаев ва Мирфайзи Мирсамадов, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган, Президентимиз таъбири билан айтганда, иқтисодиётимизнинг таянчи бўлган тадбиркорлар Қорақалпоғистон Республикасидан Дуйсенбай Утамбетов, Бибируза Уринбоева, Тошкент вилоятидан Шунқор Умирзоқов, андижонлик Бузайнаб Раҳматова, жиззахлик Саломат Шайдулина, фарғоналик Адҳам Алимов ва жамиятимиз ҳаётида фаол иштирок этаётган кўплаб нуронийларимиз ушбу кўкрак нишони соҳиби бўлди.

Давлатимиз томонидан кекса авлод вакилларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, эътибор ва ғамхўрликлар, турмуш шароити яхшиланаётгани туфайли умрига умр қўшилаётган нуронийларимиз сафи кенгайиб бормоқда. Юз билан юзлашганлар — Бобожон Мадаминов, Файзулло Ҳожиев, муҳтарама онахон Қурбон Исломова, 90 ёшдан ошган Лобар Эргашева, Холбиби Саидова, Раҳмат Турсунов, Фаёза Ҳақназарова, Муртазо Худойқулов, Абдусалом Абдуллаев сингари нуронийларимиз улуғ ёшида давлатимиз томонидан берилаётган мукофотдан



руҳланиб, ғайратига ғайрат қўшилиб, шукроналик билан эл-юртимиз тинчлиги, осойишталиги, халқимиз фаровонлиги учун дуолар қилишмоқда.

Албатта, мукофот — бу юксак ишонч ва масъулият, демакдир. Эл-юртнинг эътирофи ва эъзози ҳар бир инсоннинг кучига куч қўшади. “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланиши йиллар давомида эл-юртга хизмати сингган, эндиликда ўзининг бой билим ва ҳаётий тажрибаси, ҳикматлари, ибрати билан оилаларда тинчлик-тотувликни, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган мамлакатимиз нуронийларининг ғайрат-шижоатини янада ошириб, жамият ҳаётида янада фаол бўлишга рағбатлантирмоқда.

Халқимиз азалдан “Бир болага етти маҳалла — ота-она”, “Маҳалланг — отанг, маҳалланг — онанг” сингари ҳикматларга амал қилиб яшаб келган. Ҳар доим ёшларнинг одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, таълим-тарбия олиши учун маҳалладаги ёши улуғ нуронийлар ўзларини ота-она билан баробар жавобгар, масъул деб ҳисоблашган. Шунинг учун ҳам оила ва маҳаллалардаги маърифий-тарбиявий ишларда ҳаёт синовларида тобланган кекса авлод вакилларининг ҳикматли ўгитлари, бой ҳаётий тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам Президентимиз 2022 йилнинг 20 декабрида Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида: “...биз ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини оширишга янада кўпроқ аҳамият беришимиз керак. Ёш авлодимизни ана шундай баркамол, эл-юрт учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда биз муҳтарам нуронийларимизга таянамиз”, деган фикрни алоҳида таъкидлаб, кекса авлод вакилларига юксак ишонч билдирди.

Бугунги кунда шукроналик билан яшаётган кекса авлод вакиллари “Нуронийлар жамоатчилик кенгашлари”, “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари, “Бувижонлар мактаби” жамоат тузилмалари атрофида бирлашиб, ёшларни билимли, маърифатли, касб-ҳунарли қилиб тарбиялашда, уларнинг Ватан тақдири ҳамда келажаги олдидаги масъулиятини янада мустаҳкамлашга, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини, оилаларда тинчлик, тотувликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Президентимизнинг 2022 йил 15 мартдаги “Нуронийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда жорий йил 11 мартдаги “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида “Нуроний” жамғармасининг ҳудудий бўлимлари томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ҳаётий ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли нуронийлар ҳамда зиёлиларни ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоли ёшларга масъул қилиш орқали уларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етишишига кўмаклашиш дастури бўйича йўлга қўйилган тизимли ишлар ҳам ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида, маҳаллаларда кекса авлод вакилларининг ёшлар тарбиясидаги ролини кучайтириш ва нуронийларнинг ҳаётий тажрибаларидан кенг фойдаланиш мақсадида “Бир нуроний ўн ёшга масъул” тамойили асосида жойлардаги обрў-эътиборли, бой ҳаётий тажрибага эга отахону онахонлар 10 нафардан ёшга масъул этиб, йигит-қизларнинг жамият ҳаётида ўз ўрнини топишларига ёрдам бериб келмоқда.

Оилалардаги аҳиллик, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш ҳамда муаммоли вазиятларни бартараф этишда кексаларимизнинг ўрни ва роли нақадар муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу боис ҳам маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати” гуруҳи, “Нуронийлар жамоатчилик кенгаши”, “Бувижонлар мактаби” жамоат тузилмаси фаоллари ҳафтада бир кун ўз ҳудудидаги мактабларда ташкил этилган “Нуронийлар соати”да ўқувчиларнинг давоматини, муаммоларини, ютуқлари ва интилишларини ўрганиб, маърифий суҳбатлар ўтказишмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан бой ҳаётий тажрибага эга зиёли, ҳунарманд, тадбиркор, фермер ва бошқа соҳа вакиллари бўлган нуронийлар ҳудудлардаги барча таълим муассасаларига бириктирилиб, тизимли ишлар йўлга қўйилди. Марказдан узоқда бўлган 28 та ҳудуддан кам таъминланган оилаларнинг тил ўрганишга қизиққан 560 нафар иқтидорли фарзанди рўйхати шакллантирилди ва “Нуроний” жамғармаси томонидан уларнинг тил ўрганишига ёрдам бериш тизими ишлаб чиқилмоқда.

Нуронийларнинг чуқур билими, бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш, кекса авлод вакиллари ва ёшларнинг узвий ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида “Уч авлод учрашуви” тадбирлари уюштирилаётгани навқирон авлодни юрт равнақига дахлдорлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда нуронийларимизга кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик ёши улуғ инсонларга янада мамнуният бахш этиб, куч-ғайрат, шижоатларини оширганини алоҳида урғулаш лозим. Пиру бадавлат нуронийлар бугун Президентимиз раҳбарлигида изчил давом этаётган ислоҳотларни нафақат қўллаб-қувватламоқда, балки юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларга ҳисса қўшиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Зеро, мамлакатимизда тинчлик-тотувликни, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, осойишталикни сақлаш, маънавий-маърифий муҳитни янада яхшилаш, асрлар давомида ота-боболаримиздан ўтиб, сайқалланиб, бизгача етиб келган анъана ва қадриятларни тарғиб этиш, оилавий ажримлар ва жиноятчиликнинг олдини олиб, юксак маънавиятли, Ватанимизга, оиласига садоқатли, фидойи ёшларни тарбиялаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Содиқжон ТУРДИЕВ,**
**«Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор.**

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*
ТАФСИЛОТЛАР

## МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯДАН — 734 МИЛЛИОН СЎМ ДАРОМАД

*Бугунги кунда дунёда энергия манбаларидан тўғри ва оқилона фойдаланиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу маънода, Президентимизнинг шу йил 16 февралдаги “2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда энергия тақчиллиги қопланишини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжат бўлди.*




У билан иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда аҳоли тураржойларида муқобил энергиядан фойдаланиш кўламини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Жойларда “яшил” энергетикага ўтиш оммалашмоқда. Қарши давлат университетида ҳам бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширишга киришилиб, 910 кВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарувчи қуёш панеллари ўрнатилди. Эътиборлиси, 510 кВт/соат қувватли қуёш панеллари ҳудуддаги фойдаланишга яроқсиз, собиқ чиқиндихона жойлашган ер майдонида бунёд этилган гелиополигонга ўрнатилди.

— Таълим муассасасининг барча биносини қуёш панеллари орқали ишлаб чиқариладиган муқобил электр энергияси билан таъминлаш имконияти яратилди, — дейди университетнинг молия-иқтисод ишлари бўйича проректори Хуршид Жўраев. — Шунингдек, ҳозирги кунда соатига 254,8 кВт қувватдаги ортиқча ишлаб чиқарилган электр энергиясини Қарши шаҳар электр тармоқлари корхонасига сотиш бўйича шартнома имзоланиш арафасида. Натижада бир йилда қарийб 734 миллион сўм даромад олиш имконига эга бўламиз.

Бундан ташқари, билим даргоҳи ҳудудига 89 дона қуёш панелли тунги ёритқичлар ҳам ўрнатилди. Бу университет ҳовлисини тунда барқарор ёритишда қўл келмоқда.

**Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## ОИЛАВИЙ КОРХОНАДА МИЛЛИЙ УСЛУБДАГИ МЕБЕЛЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

*“Ташаббус — 2011” кўрик-танлови ғолиби, “Шуҳрат” медали соҳиби Маҳфуза Салимова Бухоро зардўзлик мактабининг энг яхши анъаналарини давом эттириб келаётган ҳунармандлардан саналади.*



Унинг “Малика Султон” оилавий корхонасида юз нафар хотин-қиз зардўзлик, каштачилик билан машғул. Бундан ташқари, юз нафар киши касаначилик асосида ишга жалб қилинган.

Улар куч-ғайрати билан тайёрланаётган зар тўнлар, сумка ва туфлилар, кашталий костюмлар, сўзана ва жойнамозлар Исроил, АҚШ, Россия, Қозоғистон каби дунёнинг бир қатор давлатларига экспорт қилинмоқда.

Яқинда оилавий корхонада янги цех очилиб, унда миллий услубда мебель маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Янги цехимизда ўндан зиёд йигитлар меҳнат қиляпти, — дейди М. Салимова. — Бу ерда ойига ўртача 200 — 250 миллион сўмлик диван ва ўриндиқлар тайёрлаш имконияти мавжуд. Буюртма асосида ишлаяпмиз, албатта. Бу мебеллар ёнғоқ дарахти ёғочидан тайёрланаётгани туфайли пишиқ, мустаҳкам. Қолаверса, улар зардўзу каштачиларимиз қўлида жило топган махсус ёпинчиқлар билан безатилган ҳолда харидорларга етказилмоқда.

Бундай жиҳозлар меҳмонхоналар, музейлар, хонадонларга ўзгача кўрк бағишламоқда. Оилавий корхонага хорижда яшовчи ўзбек халқ амалий санъати ихлосмандларидан ҳам буюртмалар тушяпти.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**


## QIZIQISHLARNI BILDIRISH SO‘ROVNOMASIGA TAKLIF («KO‘MIR YOQILG‘ISIDA KOGENERATSIYA TEXNOLOGIYASINI JORIY ETISH» DAVLAT-XUSUSIY SHERIKLIK SHARTLARI ASOSIDA LOYIHANI AMALGA OSHIRISH)

Реклама

**2023-yil 5-may**

**Loyiha nomi:** O‘zbekiston Respublikasi shaharlarida davlat-xususiy sheriklik asosida «Ko‘mir yoqilg‘isida kogeneratsiya texnologiyasini joriy etish» (ro‘yxat ilova qilinadi).

**1.** O‘zbekiston Respublikasida issiqlik energetikasi sohasida, xususan, Andijon, Farg‘ona, Nukus, Urganch, Uchquduq, Zarafshon, Qo‘qon, Jizzax, Chirchiq va Quvasoy shaharlarida «Ko‘mir yoqilg‘isida kogeneratsiya texnologiyasini joriy etish» loyihasini amalga oshirish rejalashtirilgan.

**2.** Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi hamda Energetika vazirligi («Buyurtmachi») salohiyatli ishtirokchilarni Andijon, Farg‘ona, Nukus, Urganch, Uchquduq, Zarafshon, Qo‘qon, Jizzax, Chirchiq va Quvasoy shaharlarida davlat-xususiy sheriklik asosida «Ko‘mir yoqilg‘isida kogeneratsiya texnologiyasini joriy etish» loyihasini amalga oshirish bo‘yicha qiziqish bildirish so‘rovnomasiga taklif etadi.

**3.** Manfaatdor ishtirokchilar o‘zlari to‘g‘risida to‘liq ma’lumot (kompaniya profili, ushbu yo‘nalishda amalga oshirilgan loyihalar bo‘yicha batafsil ma’lumotlar, uskunalarni yetkazib berish va qurish shartlarini hisobga olgan holda tijorat takliflarini taqdim etish, shuningdek, sheriklik asosida ulushli ishtirok etish) taqdim etishlari shart.

Zaruriy malaka va tegishli tajribani aks ettiruvchi portfolio, jumladan:

— issiqlik energetikasi sohasida kamida 10 MVt quvvatga ega loyihalarni, shu jumladan, Markaziy Osiyo mamlakatlarida amalga oshirish tajribasi;

DXSh asosidagi loyihalarni amalga oshirish tajribasi;

— so‘nggi 5 yil davomida ushbu yo‘nalishdagi moliyaviy resurslarning o‘rtacha yillik aylanmasining minimal hajmi kamida 10,0 million AQSH dollarini tashkil etishi kerak;

— oxirgi 5 yil ichida muvaffaqiyatli yakunlangan kamida bitta shartnomada ishtirok etish;

— quyidagi asosiy faoliyat bo‘yicha tajriba: kogeneratsiya bloklarini loyihalash, o‘rnatish, issiqlik elektr stansiyalarini o‘rnatish va ishga tushirish, ushbu sohada DXSh loyihalarini amalga oshirish.

**4.** Qo‘shimcha ma’lumot olish va loyiha bilan tanishish uchun ishtirokchilar O‘zbekiston Respublikasi Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi vazirligi (Issiqlik ta’minoti va investitsiyalar boshqarmasi, Aziz Erkaboev) ga murojaat qilishlari mumkin.

**Manzil:** Toshkent sh., Abay ko‘chasi, 6-uy.
**Pochta indeksi:** 100027.
**Telefon:** +998 71-210-11-04 (1402).
**e-mail:** a.erkaboev@mjko.uz

**5.** Qiziqish bildirishnomalari ko‘rsatilgan pochta/elektron pochta manzillariga 2023-yilning 31-avgustidan kechiktirmay (muddat) topshirilishi kerak.

**Shahar va tumanlar issiqlik ta’minotini ko‘mirda ishlaydigan kogeneratsiya texnologiyalari joriy etgan holda davlat-xususiy sheriklik asosida 2023-yilda amalga oshirilishi rejalashtirilgan loyihalar ro‘yxati**

| | Shahar yoki tuman | Qozonxona nomi | O‘rnatiladigan quvvat | | Zarur mablag‘lar, mln. dollarda* |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Isitish quvvati MVt | Elektr MVt | DXSh |
| | **Jami** | | **548,4** | **230,3** | **604,5** |
| 1. | «Yangi Andijon» massivi | Yangi qurilish | 53,4 | 21,4 | 56,1 |
| 2. | «Eko Farg‘ona» massivi | Yangi qurilish | 77,5 | 31,0 | 81,4 |
| 3. | Nukus shahri | RK-1 | 51,3 | 20,5 | 53,8 |
| 4. | Urganch shahri | 19-kvartal | 45,0 | 18,0 | 47,2 |
| 5. | Uchquduq shahri | Uchquduq | 41,3 | 16,5 | 43,4 |
| 6. | Zarafshon shahri | Zarafshon | 92,8 | 37,1 | 97,4 |
| 7. | Qo‘qon shahri | Yangi qurilish | 68,8 | 27,5 | 72,2 |
| 8. | Andijon shahri | RK -1 | 35,8 | 14,3 | 37,6 |
| 9. | Jizzax shahri | RK -1 | 12,7 | 5,1 | 13,4 |
| 10. | Chirchiq shahri | Rudakiy | 23,0 | 9,2 | 24,2 |
| 11.8 | Chirchiq shahri | 8-mikrorayon | 47,0 | 18,8 | 49,4 |
| 12. | Quvasoy shahri | RK-2 | 27,1 | 10,9 | 28,5 |

*Loyihaning aniq qiymati texnik-iqtisodiy asoslar ishlab chiqilgandan so‘ng ma’lum bo‘ladi.

# БУЮК АДАБИЁТИМИЗ ВА САНЪАТИМИЗНИ ЯРАТИШ – БУЮК КЕЛАЖАГИМИЗНИ БАРПО ЭТИШНИНГ МУСТАҲКАМ ЗАМИНИ

*Мамлакатимизда янги ҳаёт нафаси кезмоқда. Жонбахш ислоҳотлар ҳар бир соҳа, ҳар бир тармоққа жадаллик билан кириб бораётир. Жаннатмонанд Ватанимиз кенг кўламли бунёдкорликлар майдонига айланган. Энг муҳими, ўзгаришлар одамларимиз тафаккуридаги янгиланишларда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Бугун халқимиз эртанги кунга ишонч, ёруғ умид билан яшамоқда. Мамлакат тараққиётининг юқори босқичга кўтарилиши, янги бир Уйғонишнинг пайдо бўлиши ҳар бир инсоннинг хоҳиш-истакларига, саъй-ҳаракатларига боғлиқлигини теран ҳис этиб, чуқур англаб, бу йўлда ўз ҳиссасини қўшишга баҳоли қудрат интилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатидаги фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш билан бирга, халқнинг маънавиятини, руҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратди. Жумладан, давлатимиз раҳбари 2017 йил 3 август куни Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашди ва унда ижодий ташкилотлар ҳамда маданият ва санъат, адабиёт, журналистика соҳаларининг тараққиёт стратегиясини белгилаб берди.*

*Хўш, ушбу тарихий учрашувдан кейин ижодкорлар ва ижодий ташкилотлар ҳаётида, фаолиятида қандай ўзгаришлар рўй берди?*

*Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам АБДУЛЛАЕВ билан суҳбатимиз ана ушбу мавзуда бўлди.*

## Бизнинг суҳбат

— Ўша тарихий учрашув ижодкор зиёлиларнинг ҳаёти ва фаолиятида чин маънода ўзгаришларга дебоча бўлди, — дейди Рустам Абдуллаев. — Давлатимиз раҳбарининг “ўртада бегона йўқ”, дея алоҳида таъкидлагани залга йиғилган атоқли шоир ва адиблар, театр, кино, мусиқа санъатининг таниқли ҳамда ёш вакиллари, санъатшунос олимлар, журналистларнинг руҳини янада кўтариб юборди. Ғоят самимий ва очиқ руҳда ўтган мулоқотда халқимизнинг дилидаги гаплар айтилди. Маънавият, адабиёт, маданият ва санъат, журналистика соҳалари ривожи холисона, танқидий баҳоланиб, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни бартараф этиш бўйича муҳим кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ижодий ташкилотлар фаолияти ва маънавий-маърифий соҳа ривожига юксак эътибор қаратаётгани бекорга эмас. Зеро, халқнинг яратувчанлик қобилиятини ошириш, қалбини, руҳини бойитишда олий даражадаги санъат, адабиёт ва маданият асарларининг ўрни, аҳамияти беқиёс. Улар онгу дунёқараш, тафаккурдаги уйғонишга, демак, тараққиётга тамал тоши бўлади.

Бугун демократик янгиланишлар ва инсон қадрини улуғлаш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар, тизимли ёндашув муҳити жамиятимизнинг барча соҳасида ўз натижаларини бераётганини амалда кўриб, билиб турибмиз. Ўзимиз ҳам ана шу ислоҳотлар иштирокчиси сифатида жамият ривожига имкон қадар ҳисса қўшишга интилмоқдамиз. Бунинг ёрқин ифодасини уюшмамиз фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

**— Президентимиз учрашувда маданият ва санъат аҳлини янада фаолликка, янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшашга, изланишга даъват этганди. Ўтган даврда шоир ва ёзувчилар, санъат арбоблари, журналистлар, маданият соҳаси вакиллари юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирокчи бўла олдими?**

— Бу саволнинг жавоби бироз мураккаб. Чунки қўлимда ижодий ташкилотлар ва ижод аҳли фаолияти билан боғлиқ таҳлиллар, таққослар етарли эмас. Лекин ўтган даврда яратилган бетакрор санъат асарлари, чоп этилган бир-биридан дилбар бадиий китоблар, журналистларнинг юртимизда кечаётган воқеликни куюнчаклик билан, тезкор ва ҳаққоний ёритиб бораётгани ижод аҳли зиммасидаги масъулиятга жиддий муносабатда бўлаётганини, қўйилган талабларга муносиб бўлишга интилаётганини кўрсатади.

Ўша анжуманни бастакор ва композиторлар мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, ижод аҳлини қўллаб-қувватлаш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узвий қисми сифатида эслашади. Чунончи, ўтган йилларда уюшмамиз фаолиятида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Масалан, қисқа муддат ичида Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмасининг янги, маҳобатли биноси қад ростлади. Бу ерда бастакорлар учун етарлича шарт-шароитлар яратилиб, хоналар жаҳон талабларига мос мусиқий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

2017 йил 15 августда имзоланган “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент қарорида профессионал композиторлик, бастакорлик ва мусиқашуносликни ривожлантириш, ижодкорларга самарали ижод қилиш учун кенг шароит ва имкониятлар яратиш, халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, ёш мутахассисларнинг чет давлатларда касб маҳоратларини ошириши, вилоятларда уюшманинг ҳудудий бўлимларини очиш, ёш композиторларни опера, балет, симфония, концерт каби йирик жанрдаги сара асарларни яратишга жалб қилиш йўлида муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Ўтган қисқа давр мобайнида пойтахт ва вилоятларда уюшма аъзолари, таниқли ҳамда ёш истеъдодли композиторлар, бастакорлар, мусиқашунослар иштирокида 500 дан ортиқ ўтказилган ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари ёшларнинг маънавий онгини бойитиш, уларнинг мусиқа санъатига бўлган қизиқишларини кучайтириш ва ижодкорлар билан бевосита мулоқотни ўрнатиш йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди. Ҳар бир таълим муассасасига мусиқий адабиётлар ва композиторларнинг ҳар хил жанрлардаги асарлари тақдим этилди. Ижодкорлар билан учрашувларда болажонлардаги қувонч ва таассуротлар, ўз санъатини кўрсатишга бўлган иштиёқини кўриб, кўзингиз қувонади...

**— Шу ўринда мусиқа санъатининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ҳақида нималар дея оласиз?**

— Биз жуда қадимий халқмиз. Аждодларимиз яратган ҳар битта лапар, ялла, қўшиқ ёки достоннинг ўз оҳанги, ўз мусиқаси бўлган. Одамлар уларни биргалашиб, жўровоз бўлиб куйлашган. Шунинг учун мусиқа санъатида бастакорлик алоҳида ўринга эга. Бу нафақат миллий мусиқамиз ривожида, балки халқимизнинг маънавий савиясини ошириш, ёш авлодни юксак ғоялар асосида тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади. Бастакорлик йўналишида яратилган куй-наволаримиз бугунги кунга келиб, ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бирига, қалб қўрига айланиб улгурди, десам, янглишмаган бўламан. Чунки шоир, ёзувчи, қўйингки, бастакор ҳам халқ тилидан оладиган ҳар қандай оҳанг ёки хиргойини мукаммаллаштириб, маромига етказиб, элга, элнинг юрагига етказиб беради. Бу жуда қизиқ, шу билан бирга, оғир жараён. Буни юраги заифлар, билими саёзлар, сабр-бардоши бўлмаганлар қилолмайди. Уриниб ҳам ўтирмасинлар. Аслида халқ — куч, халқ — илҳом манбаидир.

Мусиқа — калом ва оҳанг мутаносиблигидан, қўшилувидан ҳосил бўлади. Шеър куйга қанот бахш этади. Куй билан шеър ажралмас мағиз сифатида ҳамоҳангдир. Миллий мусиқамиз дурдоналари ўзбек халқининг азалий ва асрий орзу-истаклари, қарашлари, ғоялари асосида юзага келган нодир шоҳ асарлардир. Мусиқа яратилиши учун бастакор муносиб сўз ва оҳанг танлай олиши лозим. Нима бўлганда ҳам, мусиқа кўнгил ва кайфият, шу билан бирга, оғир ва машаққатли меҳнат маҳсули, ана шулар уйғунлигида сайқал топиб жаранглайди.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунда ана шундай ижодий машаққатларни енгиб, фидокорона меҳнат



қилаётган, жўшқин ижоди орқали она халқимизнинг самимий меҳрига сазовор бўлиб келаётган бастакорлар кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

**— Ёш иқтидорларни излаб топиш, бастакор ва композиторларни янги марралар сари руҳлантиришда уюшма томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Дарҳақиқат, ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш ва тарбиялаш зиммамиздаги асосий вазифалардан бири. Фаолиятимиз давомида бунга алоҳида урғу бериб келяпмиз. 2018-2019 йилларда ўтказилган V халқаро симфоник мусиқа фестивали, I халқаро ёш композиторлар фестивали, Республика ёш композиторлар фестивали ҳамда Мухтор Ашрафий таваллудининг 110 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция, ёш композиторлар танлови, 2022-2023 йилларда ўтказилган республика ёш ижодкорлар танлови ушбу мақсад йўлида муҳим лойиҳаларга айланди. Уларда янги-янги номлар юзага чиқди. Миллий мусиқа фондимиз ўзига хос, дилтортар асарлар билан бойиди.

> Давлатимиз раҳбарининг ижодий ташкилотлар фаолияти ва маънавий-маърифий соҳа ривожига юксак эътибор қаратаётгани бекорга эмас. Зеро, халқнинг яратувчанлик қобилиятини ошириш, қалбини, руҳини бойитишда олий даражадаги санъат, адабиёт ва маданият асарларининг ўрни, аҳамияти беқиёс. Улар онгу дунёқараш, тафаккурдаги уйғонишга, демак, тараққиётга тамал тоши бўлади.

Ижод аҳлини янги марралар сари руҳлантириш ҳам доимий диққатимиз марказида. Жумладан, кейинги йилларда композиторлар ва бастакорлар ўртасида ўтказилаётган мақом йўлларида яратилган асарлар ҳамда мусиқашунослар томонидан мақомга бағишлаб ёзилган адабиётлар танловлари, бошқа бир қатор ижодий тадбирлар янги-янги асарларнинг яратилишига, уюшма аъзолари ижодини кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола этишда омил бўлмоқда.

Ташкилотимизнинг кенг кўламдаги лойиҳаси сифатида ўтказилган “Давр садолари” IV республика мусиқа фестивали композиторлар, бастакорлар, мусиқашунослар ва мусиқа сайқалловчилар ижодий фаолиятини халқимиз эътиборига ҳавола этган йирик тадбирлар жамламаси бўлди, десак, хато эмас. Фестиваль доирасида 4 ижодий кеча, 3 хотира кечаси, пойтахт ва вилоятларда 40 га яқин ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари ташкил этилди. Бу эса, ўз навбатида, композиторларимиз йирик жанрларда самарали ижод қилаётганидан, симфоник, халқ чолғулари ва дамли чолғулар оркестрлари учун кўплаб янги асарлар яратганидан далолатдир.

**— Давлатимиз раҳбари учрашувда ижодий уюшмалар ўртасида ҳамкорлик яхши йўлга қўйилмаганини таъкидлаб, ушбу муаммони бартараф этишда қатор таклифларни билдирганди. Ўтган даврда бу борада ўзгаришлар кўзга ташландими?**

— Ҳақиқатан ҳам, бундан олти йил олдин ижодий ташкилотларнинг ўзаро муносабатлари деярли тўхтаб қолганди, уларнинг ҳар бири ўз ёғига ўзи қоврилиб ётарди. Ваҳоланки, ушбу тузилмалар фаолиятида биргаликда ҳал қилиниши лозим бўлган ижодий ва ижтимоий муаммолар кўп эди. Уларни бартараф этиш мақсадида ўтган даврда қатор чора-тадбирлар кўрилди. Хусусан, адабиёт ва санъат, маданият, оммавий ахборот воситалари фаолияти бўйича ҳуқуқий-норматив база янада такомиллаштирилди. Соҳанинг моддий-техник салоҳияти мустаҳкамланди, ижод аҳлининг машаққатли меҳнатини моддий ва маънавий жиҳатдан муносиб рағбатлантириш йўлга қўйилди. Кадрлар тайёрлаш тизими тубдан қайта кўриб чиқилиб, ислоҳ қилинди.

Пировардида ижодий уюшмаларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтиришлари учун қулай муҳит, зарур шарт-шароитлар яратилди. Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Театр арбоблари уюшмаси ва бошқа қатор ижодий ташкилотлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйдик. Масалан, турли санъат вакилларининг ўзаро дўстлигини, ижодий риштaларни янада мустаҳкамлаш мақсадида “Сўз, оҳанг ва тасвир” номли ижодий кечалар ўтказилиши яхши анъанага айланди. Мазкур анжуманнинг мантиқий давоми сифатида ёш ижодкорлар билан самарали иш олиб бориш йўлида “Шу юрт фарзандларимиз” шиори остида ёш композиторлар, рассомлар, шоирлар ва актёрларнинг учрашув-дебатлари ўтказиб келинмоқда.

Қисқа вақт мобайнида композиторларимиз жўшқин ижодий, ҳамкорлик жараёнини йўлга қўйишди. Уюшмада талаба ва ёш композиторлар, бастакорлар ҳамда мусиқашунослар иштирокида маҳорат дарсларини ўтиш, таниқли ижодкорлар билан учрашувлар ўтказиш, турли жанрларга оид мусиқий асарлар билан ёшларни таништириш ишлари кенгайди.

Қолаверса, композиторларимиз чет давлатларда бўлиб ўтаётган халқаро фестиваллар ва дўстлик концертларида қатнашаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Марказий Осиё давлатлари, шунингдек, Россия, АҚШ, Вьетнам, Туркия, Миср, Озарбайжон каби мамлакатларда ўтказилган халқаро доирадаги тадбирлар кенг ижодий алоқалар йўлга қўйилишига замин яратаётгани қувонарли ҳолдир.

Уюшманинг молиялаштириш манбаи этиб ижодкорларни қўллаб-қувватловчи “Илҳом” жамоат фонди белгиланди. “Асака” акциядорлик тижорат банки ҳомийлигида уюшма биноси капитал таъмирланиб, моддий-техника базаси янгиланди ва уюшма қошида овоз ёзиш студияси очилди.

Концерт-тарғибот ишларининг кенг йўлга қўйилиши, халқаро алоқаларнинг мустаҳкамланиши, фаол ижодкорлар ва ҳудудий бўлимларнинг моддий рағбатлантирилиши, ёши улуғларнинг ҳолидан хабар олиш, соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам ажратишнинг тизимли йўлга қўйилиши уюшма аъзоларида келажакка ишонч, ижодий жараёнга янги кўз билан қараш ва замон шукуҳини ўз асарларида ифодалашга бўлган иштиёқни янада кучайтирмоқда.

**— Санъатимиз ривожи учун бастакорлик йўналишида қандай ғоя, ташаббус ва таклифларни илгари сурган бўлардингиз?**

— Замонавий жаҳон мусиқа санъати кенг доирадаги тингловчилар учун мўлжалланган ранг-баранг услуб ва йўналишларга бой. Турли қитъаларда ижод қилувчи композиторлар узоқ асрлик анъаналарга суяниб, миллий маданий меросни сақлаб қолиш ва ривожлантириш зарурлигини англаган ҳолда, унинг ўзига хослигини акс эттирувчи ёрқин асарлар яратишмоқда. Ҳозирги рақамли даврда бутун дунёда миллий композиторлик мактабларининг обрўли вакиллари ва етакчилари мусиқа маконида юқори мавқега эга.

Ўзбек мусиқасини янада ривожлантириш ва жаҳон саҳналарида кенг тарғиб қилишга салмоқли ҳисса қўшиш, бизнинг, ҳар бир ижодкор шахснинг ўз олдига қўйган устувор вазифаларидан биридир. Жумладан, олдимизга қўйилган режаларни ҳаёт ҳақиқатига айлантиришда тажрибали кадрларни тайёрлаш, янги истеъдод эгаларини кашф этиш, сермаҳсул ижод қилиб, халқаро майдонда обрў-эътибор қозониш, пировардида мусиқа маданиятининг ўчоқларидан бирига айланган юртимизни дунё санъат оламида қарор топтириш учун биз, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ижодий жамоаси меҳнат ва изланишдан асло тўхтамаймиз. Хайрли ва эзгу ғояларни мусиқа воситасида ёшлар қалбига, руҳига, вужудига сингдириш асосий вазифаларимиздан бири бўлиб қолади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон композиторлари томонидан яратилган янги опера ва балетларни жаҳон саҳналарига олиб чиқиб, халқаро доирада ҳамкорликда ишлаш ҳам мақсадларимиздан биридир. Қолаверса, санъат оламига кириб келаётган санъатсевар ёшларимиз миллий қадриятларимиз дурдоналарига айланиб улгурган халқ мусиқаларини илмий тарафлама ўрганиши бугунги куннинг зарурaтидир. Бу борада навқирон авлодга жаҳон тажрибаларини ўргатиб, малака оширишлари учун замин яратсак, албатта, санъатимизнинг келажаги порлоқ бўлади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажагимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам, албатта, бўлади.

**Мунира РАҲИМОВА**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

## Биз ва жаҳон

# МАЛАЙЗИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

*Мамлакатимизнинг Малайзиядаги элчихонаси шафелигида ташкил этилган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида Куала-Лумпур шаҳри ва Пенанг штати аҳолиси ҳамда хорижий меҳмонлар кўп ташриф буюрадиган диққатга сазовор жойлари ва марказий кўчаларида шоу ҳамда флэшмоблар ташкил қилинди.*






Лойиҳа Куала-Лумпур шаҳар мэрияси, Пенанг штати администрацияси ва туроператорлар билан ҳамкорликда “Нурафшон” рақс гуруҳи ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабалари иштирокида амалга оширилди.

Хорижий сайёҳлар ташрифи бўйича Куала-Лумпур дунёдаги етакчи 10 та шаҳар қаторида бўлиб, бир йилда 14 миллион хорижий сайёҳни қабул қилади. Шунингдек, Куала-Лумпурга 22 миллиондан ортиқ маҳаллий сайёҳлар келади.

Пенанг штати Осиёнинг машҳур сайёҳлик дестинацияларидан ҳамда Малайзиянинг маданий ва тарихий марказларидан бири ҳисобланади. Пенанг халқаро аэропортида йўловчилар оқими ҳажми йилига 8 миллион кишидан ошади. Штат аҳолисининг 50 фоизи хизмат кўрсатиш, жумладан туризм секторида банд. Пенанг штати маъмурий маркази — Жоржтаун шаҳрининг тарихий обидалари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Тадбирлар доирасида ўзбек халқининг бой маданий мероси ва анъанавий рақс санъатидан намуналар намойиш қилинди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимотлар ўтказилди. Кенг жамоатчилик Малайзия фуқаролари учун республикага визасиз кириш тартиби амалда эканлиги ва икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри авиақатновлар мавжудлиги ҳақида хабардор қилинди.

Лойиҳа Малайзия жамоатчилиги томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

**«Дунё» АА.**
Куала-Лумпур

# БИР МАҲАЛЛАДАН — УЧ ЧЕМПИОН!

*Қўшни Қирғизистоннинг Иссиққўл ҳудудида спортнинг ушу тури бўйича “ISSYK-KUL OPEN” халқаро мусобақаси бўлиб ўтди.*

## Интилиш



Унда республикамиз шарафини ҳимоя қилган ёшлар орасидан 3 нафари ўз вазн тоифасида биринчи ўринни қўлга киритди. Аҳамиятли томони шундаки, уларнинг барчаси Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманидаги Бобур номидаги маҳаллада вояга етган ёш спортчилардир.

— Мусобақа ниҳоятда шиддатли кечди, — дейди 52 кг. вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллаган Аҳрорбек Одилов. — Чунки рақибларимиз ҳам яхши тайёргарликдан ўтган спортчилар эди. Шундай бўлса-да, астойдил ҳаракат қилдик. 48 кг. вазн тоифасида Абдулҳамид Одилов, 60 кг. вазн тоифасида Авазбек Муҳаммаджонов ҳам биринчи ўринни эгаллади. Бу ютуғимиз мамлакатимизда биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз учун яратилган шарт-шароит ва имкониятлар самарасидир.

Мусобақа якунига кўра, Аҳрорбек Одилов АҚШда, Абдулҳамид Одилов билан Авазбек Муҳаммаджонов МДҲ доирасида бўлиб ўтадиган халқаро беллашувга йўлланмани қўлга киритди.

**Саминжон ҲУСАНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 841. 32 145 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-66; эълонлар 90-999-77-65.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.35 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6